

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.12:339.13

БУРХАНОВ УМАР АБДУАЛИМОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭРКИНЛАШУВИ ШАРОИТИДА  
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИНГ ОМИЛЛАРИ  
ВА ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
диссертация

## АВТОРЕФЕРАТИ

Вх. №	2/
«	19
г.	

ТОШКЕНТ - 2002

353.1(243.3)

Б

Диссертация Тошкент Молия институтининг «Молия»  
кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари номзоди,  
доцент **Н. Х. Ҳайдаров**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори  
**О.Ш. Намозов**

иқтисод фанлари номзоди  
**О. О. Якуббоев**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси қошидаги К.005.25.01 рақамли бирлашган  
ихтинослашган Кенгашнинг 2002 йил  
«5» Июнь  
соат «10» да иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
беришга бағишенган йигилишида бўлиб ўтади.

Манзилгоҳ: 700000, Тошкент шаҳри, Я. Колас кӯчаси, 16.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-  
молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йилнинг «4» Июнь да  
тарқатилди.

Бирлашган ихтинослашган Кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент  **А. Усанов**

## **Ишнинг умумий тавсифи**

### **Илмий-тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.** Ўзбекистон

Республикаси давлат мустақиллигини кўлга киритиши билан, мамлакат миқёсида молиявий ресурсларни жамлаш ва улардан самарали фойдаланишинг имкониятлари кенгайди. Бу ўз навбатида, Давлат бюджетидан республикамиз ахолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, ишсизлик даражасини пасайтириш, ижтимоий соҳаларга катта миқдорда маблағлар ажратиш учун қулай шарт-шароит яратди.

Иктиносидиётни эркинлашуви шароитида Давлат бюджети, юридик ва жисмоний шахслар молиявий ресурсларининг бир қисмини давлат ихтиёрида марказлаштириш орқали давлат корхоналарини дотацияли молиялаштиришдан аста-секин воз кечмоқда. Шунингдек, у соликлар воситасида иктиносидиётни тартибга солиш, марказлашган инвестицияларни амалга ошириш ва бюджет ссудаларини жорий этиш орқали иктиносидий ўсишни таъминловчи муҳим воситага айланмоқда. Бу эса, Давлат бюджетининг барқарор ижросини таъминлашнинг муҳимлигини оширади.

Давлат бюджетининг барқарор ҳолатдаги ижроси деганда, уни тақчилликсиз ёки муайян андозага мос келувчи тақчиллик билан ижроси тушунилади. Давлат бюджетидаги тақчилликнинг халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган меъёрлардан ортиши ёки асоратли равишда бўлиши, давлатнинг бошқариб бўлмас қарзларини ёки инфляцияни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, ахолининг кам таъминланган қисмининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу ҳолат, иктиносидиётни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтказишнинг асосий тамоилларидан бири – кучли ижтимоий сиёsat олиб боришга тўсқинлик қиласди.

Баён этилганлар Давлат бюджетини тўғри ва оқилона, яъни меъёридан ортиқ бўлмаган тақчилликсиз ижросини таъминлаш, бугунги кунда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, танланган мавзу ва унинг изланиш обьекти макроиктисодий аҳамиятдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Иктиносидиётнинг эркинлашуви шароитида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, тақчилликни қисқартириш усуллари ва молиялаштириш манбаларини такомиллаштириши юзасидан таклифлар бериш илмий изланишинг мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун илмий ишда

қўйидаги вазифалар қўйилган:

- Давлат бюджети ва ундаги тақчилликнинг иқтисодий мазмунини ёритиш;
- бюджет тақчиллигини бошқариш юзасидан хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида қўллаш бўйича таклифлар бериш;
- Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети тақчиллигини юзага келтирувчи омилларни комплекс таҳлил этиш;
- бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини таҳлил этиш ҳамда улар самарадорлигини ошириш йўналишларини кўрсатиш;
- Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.

**Илмий изланишнинг предмети** сифатида Давлат бюджети ва бозор субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатлар, бюджет тақчиллигини юзага келтирувчи омиллар, тақчилликни молиялаштириш манбалари ва мавжуд тақчилликни меъёрий даражада кисқартириш имкониятлари олини.

**Илмий тадқиқот обьектини** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тахминлаштириш ва ижро этиш амалиётида бюджет тақчиллигини бошқариш юзасидан давлат тадбирлари тизими ташкил этган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Давлат бюджети тақчиллиги муаммосининг айrim назарий, услубий, амалий йўналишлари қатор хорижлик олимлар ва мутахассисларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, А.Хансен, Э.Линдаль, М.Фридмен, Дж.Кейнс, В.Фостер, К.Макконелл, С.Брю, Э.Долан, Р.Линдколъем, Л.Гайгер, С.Фишер, Л.Дробозина, В.Родионова, Н.Самсонова, В.Глущенко, И.Глущенко, А. Луссе ва бошқалар давлат молиясининг муҳим масалаларидан бири бўлмиш Давлат бюджети тақчиллиги муаммосини назарий асосларини чукур ўрганишган

Ўзбекистон Республикасида макроиктисодий барқарорликни таъминлашда Давлат бюджети ва бюджет тақчиллиги муаммоларининг турли йўналишларини ўрганишга бағишиланган илмий изланишларнинг муаллифлари қаторида мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларидан И.Каримов, М.Шарифхўжаев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Д.Фозибеков, А.Ўлмасов, М.Йўлдошев, М.Нурмуротов, Н.Ҳайдаров, Х.Жамолов, О.Номозов, Э.Гадоев, А.Набиҳўжаев, Б.Ғаниев кабиларни кўрсатиш мумкин.

Аммо, Давлат бюджети тақчиллигини юзага келтирувчи турли омиллар, тақчилликни молиялаштириш усуслари ва унинг ҳозирги ҳолати, тақчилликни истиқболдаги ҳажмларини белгилаш ва уни бошқариш масалаларининг иқтисодиётни эркинлашуви шароитидаги

муҳимлигининг ортиши, мазкур муаммони чуқурроқ ўрганиш заруриятини янада оширади.

**Илмий изланишнинг методологик асослари.** Муаммони тадқиқ этицида, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожини таъминлашга қаратилган тамойиллардан, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бош мақсади ва вазифаларидан келиб чиқадиган иқтисодий механизмлардан ҳамда бюджет тақчиллигини бошқариш бўйича мавжуд илмий-назарий хулоса ва қоидаларнинг республикамиз шароитига мос келадиган ижобий томонларидан фойдаланилди.

**Илмий изланишнинг назарий-услубий асоси.** Илмий изланишда қўлланилган бюджет тақчиллигини бошқаришнинг ҳозирги замон услугбий асослари ва ташкилий тамойиллари, бюджет тақчиллигини таҳлил қилишга комплекс ёндоушувдан, уни келтириб чиқарувчи барча омилларнинг давлатнинг молиявий сиёсати билан ўзаро боғлиқ равишда ўрганишдан ҳамда бюджет тақчиллигининг амалдаги ҳолатини миқдорий ва сифат жиҳатдан таҳлил этишнинг уйғунлашувидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иқтисодиётга бағишлиган илмий асарлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган Олий Мажлис қонулари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки ҳисботлари илмий ишни ўрганишда илмий-услубий асос сифатида олинди.

Шунингдек, илмий-амалий таҳлилни амалга ошириш, хулосалар чиқариш ва таклифлар беришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан, амалий маълумотларидан фойдаланилди. Илмий ишни ёритиши ва хулосалар беришда нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари, халқаро ташкилотлар тажриба ва таклифларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** кўйидагилардан иборат:

- Давлат бюджетига «умумжамият ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи олий органи тасдиқлайдиган давлатнинг марказлашган пул фонди» сифатида таъриф бериш иқтисодиётнинг эркинлашуви шароити хусусиятларини кўпроқ ифода этиши асослаб берилди;
- Давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари ўртасидаги салбий тафовут, яъни бюджет тақчиллигининг иқтисодий моҳиятига муаллиф талқини берилди ҳамда тақчилликни аниқлаш тенгламаси ишлаб чиқилди;
- Давлат бюджети тақчиллиги квазифискал шаклининг иқтисодий моҳияти, мазмуни илмий тарзда асослаб берилди;

- турли Давлат бюджетлари тақчиллигининг қиёсий тавсифи берилди, тақчилликни бошқариш юзасидан хориж тажрибаларини Ўзбекистон бюджет амалиётида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистон Республикасида бюджет тақчиллигини бошқаришида инфляцион манбаларни чегаралаш тадбирлари ва имкониятлари аниқланди;
- Бюджет тақчиллигини ижтимоий-иқтисодий ларзаларга йўл бермайдиган ҳолда қисқартиришнинг ҳамда давлат карзларини бошқариш юзасидан таклифлар асосланди.

**Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, ундаги фикр мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан бюджет тақчиллиги муаммосини ҳал этиш ва такомиллаштиришга бағишлиган илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда; бюджет параметрларини белгилашда; бюджет тақчиллиги ҳамда давлат карзларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқища; таълим муассасаларида Давлат бюджети йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Илмий иш натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга қўллаш.** Илмий изланиш натижаларидан келиб чиқкан ҳолда берилган хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солик-бюджет сиёсати маркази томонидан амалиётта татбиқ этиш учун қабул қилинди. Илмий иш Тошкент Молия институтининг «Молия» ва «Солик ва сууртга» кафедраларининг қўшма мажлисида, Молия вазирлиги ҳузуридаги Солик-бюджет сиёсати марказида ҳамда Минтакавий банк ўқув марказида, Банк-молия академиясида мухокама қилинди ва асосий амалий тавсиялар маъқулланди.

**Илмий нашр.** Диссертацион изланишнинг асосий натижалари Ўзбекистондаги ва хорижий мамлакатларнинг журнallарида, маҳсус конференциялар тезислар тўпламида чоп этилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1,4 б.т.дан иборат.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, саккизта параграфни қамраб олган учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар билан бир қаторда, 16 та жадвал, 5 та чизмани ўз ичига олади.

Илмий ишнинг кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, унинг амалий аҳамияти ва янгиликлари акс эттирилган.

“Давлат бюджети тақчиллигининг иқтисодий моҳияти, уни бошқариш зарурлиги ва вазифалари” номли биринчи бобда – Давлат бюджетининг моҳияти, бюджет тақчиллигининг иқтисодий мазмуни ва шакллари, шунингдек, Давлат бюджети тақчиллигини бошқариш

бўйинча чет мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

“Давлат бюджети тақчиллигининг амалдаги ҳолатини таҳлили” номли иккинчи бобда – Давлат бюджети тақчиллигининг бошқа макроинқисодий қўрсаткичлар тизимида тутган ўрни. Давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарувчи омиллар, тақчилликни молиялаштиришнинг ҳолати комплекс таҳлил қилинган.

“Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва молиявий манбалар билан таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобда бюджет ислоҳотларининг истиқболларида Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш йўллари, бюджет тақчиллигини молиялаштиришни такомиллаштириш ёритилди.

Илмий ишни хулоса қилишда изланиш натижалари бўйича асосий хулоса ва таклифлар баён этилган.

### **Ишнинг умумий мазмуни**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари илмий изоҳланган ҳолда, давлатни жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрнини ёритиб берган. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими шаклланишининг бошлангич босқичи ҳисобланади. Давлат бюджети бозор субъектларида шаклланаётган молиявий ресурсларнинг бир қисмини давлат ихтиёрида тўплаб, бюджет муассасаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш билан бирга, иқтисодиёт соҳаларини дотацион молиялаштириш амалиётидан воз кечмоқда. Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида Давлат бюджетининг йириқ лойиҳали инвестицион дастурларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринларини барпо қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги роли ортмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирган харажатлари, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга замин яратмоқда.

2000 йилнинг 14 декабрида «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конунининг қабул қилинishi бюджет соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Мазкур Конунга кўра, Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Илмий тадқиқ натижасида, Давлат бюджетининг моҳиятини тўла очиб бера оладиган қуйидаги таъриф берилди: “Давлат бюджети –

умумжамият харажатларини молиялаштириш мақсадида тузиладиган, қонун чиқарувчи Олий орган томонидан тасдиқланадиган давлатнинг марказлаштирилган пул фондиdir".

Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида даромадлар ва харажатларнинг тенглигидан иборат. Агар, бюджет даромадларининг ҳажми харажатлар ҳажминдан юқори бўлган тақдирда, бюджетда ижобий қолдиқ (профицит) юзага келади. Давлат бюджети харажатларининг ҳажми даромадларидан юқори бўлса, бунда салбий қолдиқ - тақчиллик (дефицит) мавжуд бўлади. Давлат бюджетини ўрганишга бағишиланган илмий адабиётлarda бюджет тақчиллигини ифодалаш қўйидаги қўринишида акс эттирилган:

$$T=X-D$$

бунда,  $T$  – тақчиллик,  $X$  – харажатлар,  $D$  – даромадлар

Аммо, мазкур тенглама бюджет тақчиллиги салбий тусдаги қўрсаткич бўлганлиги учун унинг моҳиятини очиб бера олмайди. Илмий изланиш натижасида, бюджет тақчиллигининг абсолют ҳажмини ҳисоблаш тенгламаси, биз томонимиздан қўйидаги қўринишида ифодаланди:

$$T=D-X$$

Мамлакатдаги бюджет тақчиллигининг ҳолатига баҳо беришда, бу қўрсаткини бошқа макроиктисодий қўрсаткичлар билан таққослашда ҳамда таҳлил этишда, асосан, бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида ўрганилади. Тадқиқот натижасида, ушбу қўрсаткини ҳисоблашни қўйидаги тенглама ёрдамида ифодалаш тавсия этилди:

$$T= \frac{D-X}{ЯИМ} \times 100\%$$

бунда, ЯИМ – бюджет тақчиллиги ҳисобланадиган йилдаги ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми.

Иzlаниш жараёнида, тақчилликнинг иқтисодий адабиётларда келтириладиган *актив*, *пассив*, *маркибий*, *доиравий* каби шакллари билан бирга, унинг марказлаштирилган иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтаётган Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда МДҲ мамлакатлари иқтисодиётида учрайдиган яширин шакли – *квазифискал тақчиллигининг* моҳияти очиб берилди. Тақчилликнинг бу шакли банк тизими, маҳсус бюджетдан ташқари фондлар, суурита ташкилотлари ҳамда Давлат ривожланиш банклари орқали амалга ошириладиган квазифискал операциялар натижасида келиб чиқади. Квазифискал операциялар - Давлат бюджетидан амалга оширилиши лозим бўлган харажатларнинг айрим турларини банк тизимининг молиявий фаолиятига ҳукуматнинг аралашуви (қўпчилик ҳолатларда, банклараро кредит аукционига таъсир этиш) ва чет эл валютаси билан

операцияларда қатъиің курслар белгилаш, яширин соликлар, кредитлар, субсидия ва дотациялар кабилар орқали давлат харажатларини амалда камайтириш натижасида юзага келади. Расмий маълумотларни стишмаслиги, одатда, квазифискал тақчилликнинг ҳакиқий ҳажмларини ҳисоблашни мушкуллаштиради.

Давлат бюджетида тақчилликнинг у ёки бу шаклда бўлиши ва унинг иқтисодистга накадар таъсири хусусида, олимлар ўртасида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар мавжуд. Давлат бюджети тақчиллиги муаммоси билан назарий жиҳатдан шугулланган олимлардан инглиз иқтисодчиси Дж.Кейнс ҳисобланади. У ўзининг “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936) номли асарида бюджетдаги тақчилликнинг бўлишини биринчилардан бўлиб ёқлади. XX аср жаҳон амалиётидаги бюджет тақчиллиги муаммосига турлича ёндошиш натижасида бир қанча ғоя ва қарашлар юзага келди. Бу қарашларда бюджет тақчиллигининг асосий тамойилларини, унинг ривожланиш тенденцияларини, уни тартибга солиш усувларини ва молиялаштиришнинг асосий манбаларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Мазкур қарашларни уч гурухга бўлиш мумкин, жумладан: доимий баланслаштириладиган бюджет, доиравий асосда баланслаштириладиган бюджет ва функционал молияғояси.

*Доимий баланслаштириладиган бюджет ғоясига* кўра, бюджет ҳар йили даромадлар ва харажатларнинг тенглиги асосида тузилиши шарт. Лекин, ҳар йили бюджетни баланслаштириш иқтисодий танглик тебранишини кучайтиради (ишизлик, даромадларнинг пасайиши). Бундай шароитда солиқли тушумлар ўз-ўзидан қисқаради. Бюджетни баланслаштириш мақсадида ҳукumat биринчидан, солиқ ставкасини оширади, иккинчидан, давлат харажатларини қисқартиради ва учинчидан иккаласини уйғунликда амалга оширади. Бу тадбирлар иқтисодиётдаги ялпи талабни рафбатлантириш эмас, балки уни қисқаришига олиб келиши мумкин. Ҳар йили баланслаштириладиган бюджет инфляция суръатларини тезлаштиради. Иқтисодий ўсиш даврида пул даромадлари ортади, ўз-ўзидан бу солиқ тушумларининг ҳам ортишига олиб келади. Бюджетдаги ижобий қолдиқни йўқотиш учун ҳукumat биринчидан, солиқ ставкаларини пасайтириши, иккинчидан, давлат харажатларини ошириши, ёки иккала ёндошувни ҳамкорликда амалга ошириши керак. Бу ёндошувлардан қай бирининг қўлланилишидан қатъи назар, иқтисодиётда инфляция жараёни юз беради.

*Бюджетни доиравий асосда баланслаштириш ғоясига* кўра, давлатнинг молиявий сиёсати имкони борича иқтисодий жараёнлар билан мос равища амалга оширилиши зарур. Иқтисодий танглик ва турғунлик даврида содир бўлган тақчиллик, иқтисодий ўсиш

йилларида юзага келадиган бюджетдаги ижобий қолдик билан молиялаштирилади.

Иқтисодий пасайишни олдини олиш учун ҳукумат солиқларни пасайтириши ҳамда давлат харажатларини ошириши зарурлигидан тақчилликни ўзи билган ҳолда вужудга келтиради. Бунинг натижасида юзага келадиган инфляцияли иқтисодий ўсиш давомида солиқлар оширилади ва давлат харажатлари камаяди. Шу асосда ҳосил бўладиган ижобий қолдик, иқтисодий пасайиш йилларида юзага келадиган тақчилликни қоплашига ишлатиласди. Бу foянинг асосий муаммоси шундан иборатки, иқтисодий ўсиш ва инқирозлар иқтисодий доирада бир хил бўлмаслиги мумкин, шунинг учун иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммоси бюджетни баланслаштириш муаммосига қарши чиқади. Масалан, йирик иқтисодий инқироз натижасида юзага келадиган бюджетдаги тақчилликни қисқа муддатли иқтисодий ўсип жараённида вужудга келадиган ижобий қолдик ҳисобидан қоплаш етарли бўлмайди.

*Функционал молия гояси* асосида бюджет эмас, балки иқтисодиёт баланслаштирилиши керак, деган қоида молияни дастлабки вазифаси деб қабул қилинган. Функционал молия гояси янги бўлишига қарамасдан, иқтисодиёт ва бюджет сиёсатида муҳим ўринни эгаллаган. Шу ўринда иқтисодчи олим Р.Линдкольм фикрини келтириб ўтиш ўринли бўларди: “молиянинг эски қоидаси бўйича бюджет баланслаштирилиши керак эди, янги қоида бўйича эса бюджет иқтисодиётни баланслаштириши керак”<sup>1</sup>. Мазкур назарияга кўра, бюджетни ҳар йили ёки доиравий асосда баланслаштириш иккиламчи масаладир. Давлат молиясининг биринчи мақсади - бу ноинфляцияли тўла бандликни тъъминлаштирдир, яъни бюджетни эмас, балки иқтисодиётни баланслаштириштирдир. Ҳатто бунга эришиш учун, баъзан, давлат қарзлари ўсиши кутилсада, Давлат бюджети тақчиллиги муаммолари узоқ муддатли инқирозлар ва инфляция олдида иккинчи даражалидир. Шунинг учун, Давлат бюджети макроиқтисодий барқарорликни тъъминловчи энг асосий воситадир.

Юқоридаги қарашлар илмий таҳлил қилинаркан, биз, бугунги кунда кўпчилик мамлакатлар амалийтида устувор аҳамият касб этा�ётган функционал молия гоясининг бизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун афзал эканлигини эътироф этамиш.

Илмий тадқиқот жараённида, бюджет тақчиллигини бошқариш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишида тақчилликни келтириб чиқарувчи қатор омиллар ўрганилди. Илмий изланишида, бу омилларнинг собиқ Иттифоқ даврининг сўнгги йилларида Давлат бюджетида юзага келишидан бошлаб ўрганилган. Хусусан, бу

<sup>1</sup> А. Луссе. Макроэкономика. - СПб.: "Питер", 1999, - с.187-190

<sup>2</sup> Юқоридаги маиба.

омиллар сирасига жағон бозорларыда нефть маҳсулотлари нархининг кескин пасайиши, иқтисодий үсишни таъминлашга қаратилган “тезлаштириш” сиёсати таъсирида капитал қўйилмалар ҳажмининг оширилиши, Чернобиль атом электр станцияси ҳалокатининг ҳамда Арманистондаги кучли ср силкиниши салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг найдо бўлишини қўрсатиш мумкин.

Илмий тадқикот олиб боришида, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги тақчилликни тадқиқ этилиши билан бирга, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва АҚШ Давлат бюджетлари даги тақчилликнинг ҳолатларини таққослама тарзда ўрганилиб, илмий хуносалар берилди. Жумладан, Қозоғистон Республикасида олиб борилган ислоҳотлар давомида эришилган энг катта ютуқ сифатида, мамлакатни хорижий инвестицияларини жалб қилиш бўйича (аҳоли жон бошига нисбатан) Марказий ва Шарқий Европа, ҳамда МДҲ давлатлари орасида биринчи бешталиқдан жой олганлиги ҳамда МДҲнинг бошқа мамлакатларига нисбатан эркин солиқ тизими юзага келтирилганлигини (амалдаги солиқлар жами 11 тани ташкил этиши, эски қонунчилик бўйича уларнинг сони 45 та бўлганлиги)<sup>1</sup> келтирилди.

Россия Федерациясидаги тақчилликнинг ҳолатини таҳлил этиш жараёнида, тақчилликнинг катта ҳажмлари билан бирга, уни молиялаштирища юзага келган муаммолар ҳамда кейинги йилларда ташкил қарзлар таркибини қайта қуриш бўйича Россия хукумати томонидан амалга оширилаётган ижобий тажрибалар ўрганилди.

АҚШ Давлат бюджетидаги тақчилликни таҳлил этиш натижаларига кўра, бу мамлакат тақчилликни бошқариш бўйича узоқ тажрибага эга эканлиги ва иқтисодий жиҳатдан имкониятлари катталиги қўрсатиб берилган. Шу жумладан, тақчиллик билан боғлиқ қатор муаммолар сирасига, тақчилликни асосан ички қарзлар ёрдамида молиялаштириш оқибатида йирик ҳажмдаги қарзлар юзага келганлиги ва улар бўйича фоиз тўловлари бюджетга қўшимча юк бўлиб тушаётганлиги акс эттирилган. Бу ҳолат, ижобий ечимини топмаса, капитал бозорига салбий таъсир этиши мумкинлиги таъкидланган.

Бюджетдаги тақчилликни молиялаштиришнинг ички манбаси бўлган Давлат қисқа муддатли облигацияларини (ДҚМО) тадқиқ этиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, МДҲнинг кўлгина мамлакатларида, ДҚМОлар бўйича ҳисоб давлатнинг ички қарзлари ҳисобида олиб борилмоқда ва улар бўйича қарздорлик, ДҚМОларнинг янги чиқарилиши билан қайта молиялаштирилмоқда.

<sup>1</sup> С.Павлов. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. // Вестник КазГУ. Серия экономическая. Алматы. №7, 1998. - с.3.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун бюджетининг ҳар йилда қарз маблағларига бўлган талабининг ўсиши ва олдинги чиқарилган ДКМОларни сўндириши бўйича ўтиб борувчи қарздорлик ДКМОлар “пирамида”сини ташкил қилишга олиб келади. ДКМО ҳажмининг ўсиши ЯИМ ҳажми, бюджет даромадлари ва пул массаси ўсишидан анча юкоридир.

Бизнинг фикримизча, мазкур муаммони ҳал қилиш учун, ДКМОлар бўйича давлат қарздорлиги пирамидасини ўсиш суръатини пасайтириш учун ДКМОларни сўндириш бўйича қарздорликни, давлатни ички қарзларига олиб борилиши билан бирга, ҳар йили давлат бюджетида уларнинг бир қисмини ёпиш бўйича маблағ кўзда тутилиши лозим. Ҳар йиллик олинадиган қарзлар ҳажми аниқлангандан кейин, улар ҳажмини ойлар бўйича тақсимлаб чиқиш лозим. Бунда бюджетни йилнинг аник даврларида заруриятларини, йил давомидаги пул массаси ва кредит ресурслари динамикасини ҳисобга олиш зарур. Қарздорликлар ҳажмини уни молиялаштириш манбалари бўйича, яъни Марказий банк кредитлари, ДКМОлар ва пул бозорида қарз олиш орқали таъминлашда ноинфляцион манбаларга устуворлик берилиши лозим.


Илмий изланишда, тақчиллик муаммосига комплекс ёндошиш зарурлиги таъкидланган. Тақчиллик ҳажмини аниқлашда, математик усуlda ракамларни аниқлаб, унга эришишга ҳаракат қилиш ҳар доим ҳам самара бермаслиги мисоллар билан акс эттирилган. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича тақчилликни ЯИМга нисбатан 1985 йилдаги 3,5 фоиздан 1989 йилга 1,2 фоизга туширилиши, нафақат ишсизлик суръатларини ортишига, балки узоқ муддатга мўлжалланган демографик вазифаларни амалга оширишни қийинлаштириди. 1985-1989 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 3-4 фоиздан 1989-1993 йилларга келиб 2 фоиздан паст даражада қайд этилди<sup>1</sup>.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг қиёсий тарзда ўрганилганлиги, нафақат, ундан мамлакатимиз бюджет амалиётида фойдаланишга, балки илмий изланишининг марказий муаммоси сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидаги тақчилликни даврларга бўлган ҳолда, илмий таҳлил қилишга имконият беради.

Тадқиқот натижасида давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарувчи барча мамлакатларга хос бўлган умумий омиллар аниқлаңди. Ушбу омиллар қўйидаги 1-чизмада акс эттирилган.

<sup>1</sup> The Tax System in industrialized countries. Edited by Ken Messere.: - Oxford university Press. 1998. P.24

Давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар



Илмий тадқиқот олиб боришда республикамиз Давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарувчи омиллар иккى даврга бўлиб ўрганилди. Тадқиқотнинг биринчи даври, яъни 1991-1996 йилларда тақчиллик ҳажмлари анча юқори бўлганлигини 2-чи замадан кўриш мумкин. Таҳлил натижасида мазкур вақт оралиғида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида тақчилликни кенгайишига таъсир кўрсатган харажатлар сифатида куйидагилар аниқланди:

- бюджет харажатларида ижтимоий харажатларнинг катта улушга эгалиги республикада табиий демографик үсишининг юқорилигидан келиб чиқди;
- ижтимоий-маданий тадбирлар ва аҳоли учун зарур импорт маҳсулотларни республика ичкарисига арzon нархларда сотиш юзасидан бюджет субсидияларининг ортиши;
- республикада мустақил мудофаа тизимини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар янги харажат турларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Бюджет даромад қисмининг сезиларли қисқарганлигини куйидаги сабаблар билан тушунириш мумкин:

- Марказий Осиёning бошқа давлатлари сингари, Ўзбекистон ҳам сабик Иттифоқ хукуматининг дотацияларига қарам эди (чунки,

стиштириб берилган хом ашё ва бошқалар эвазига собиқ Иттифоқдан маблағлар олиб турилган). Ташки трансферларнинг тұхташи эса мамлакат учун қарахтлик ҳолатини көлтириб чиқарди (бы трансферлар


Ўзбекистон ЯИМини 19,5 фоизини ташкил қылған);

- солиқ тизимидағи ўзгаришлар - корхоналар даромадларининг бүш қолған қисмими давлат ҳисобига мусодара қилишдан воз кециш бюджетта тушадиган тушумлар ҳажмини қисқартырды;

- хұжаликлараро иқтисодий муносабатлар издан чиқиши оқибатида корхоналарнинг даромадлари кескін камайды. Бу, ўз үрнида, республика бюджетига тушадиган соликлар суммасининг қисқаришига олиб келди.

2-чизма<sup>2</sup>

### Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигининг ҳақиқиي ҳажми



Юқоридаги чизмадан 1996 йилда жамланған бюджетта үтилгандан ҳозирги кунгача бұлған даврда юзага келған тақчиллик ҳажмлари анча пасайғанлигини күриш мүмкін. Ушбу давр оралиғида Давлат бюджетидеги тақчиллик, нафакат ЯИМ суръатларининг ўсиши билан бирға юз берғанлиғи, балки унинг ҳажмлари белгиланған мейёрлардан ошмаганлиғи тақиғданған. Мазкур даврда тақчилликни көлтириб чиқарувчи омиллар сирасига иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бюджетдан қилинадиган инвестицион харажаттар салмолининг юқорилиғи, Пенсия фондига катта миқдорда ажратылған дотациялар, мавжуд валюта тизимининг салбий таъсири натижасида давлат бюджети даромадларининг маълум даражада пасайғанлиги, сурункали қурғоқчилик рүй бериши натижасида қишлоқ хұжалик соҳасига

<sup>1</sup> Л.И. Шибшарова, А.А. Набиходжаев. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. - Т.: СЭИС ЦБ РУ, 1998, - с. 63

<sup>2</sup> Жаҳон банки ва Молия вазирлиғи маълумотлари асосида тузилди.

етказилган йирик миқдордаги заарларни маълум қисмини бюджетдан коплаш ва геосиёсий вазиятдан келиб чиқиб, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича харажатлар айрим турларининг ортиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тадқикотда тақчилликни молиялаштириш масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Молиялаштириш манбалари пулли ва қарзли кўринишда бўлиши таъкидланган ва қўйидаги анъанавий манбалар мавжудлиги кўрсатилган<sup>1</sup>:


- Марказий банксдан қарз олиш ёки тақчилликни эмиссияли молиялаштириш (пулли молиялаштириш);
- тижорат банклардан қарз олиш (қарзли молиялаштириш);
- мамлакат ичкарисидаги нобанк соҳалардан қарз маблағларни олиш (қарзли молиялаштириш);
- валюта захираларини ишлатилиши ёки ташқи қарзлар (қарзли молиялаштириш);
- давлат мулкени сотиш ва бошқа ноинфляцион манбалар.

1991-1995 йиллар оралигига Ўзбекистонда бюджет тақчиллиги, асосан, банк тизими томонидан молиялаштирилди. Бунга асосий сабаб, ўтиш даврида юзага келган молиявий танглик ва молиялаштиришининг ноинфляцион манбаларининг мавжуд эмаслиги эди. Тақчилликни ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш амалиёти 1992 йилдан бошланган бўлиб, у ушбу йилда 30,0 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб, бу кўрсаткич 4918,0 млн.сўмни ташкил этди. Тақчилликни хўсусийлаштиришдан тушган маблағлар эвазига молиялантириш 1993 йилда 10,0 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу манбалар миқдори кейинги йилларда салмоқли ҳажмни ташкил этиши кузатилган. Масалан, у 1995 йилда 2467,0 млн.сўмни ташкил этган<sup>2</sup>. 1996 йилда уч ойлик ДКМОларнинг чиқарилиши ва мазкур молия йилида 829,0 млн. сўмлик облигацияларнинг жойлаштирилиши, тақчилликни ноинфляцион манбалар воситасида молиялаштириш имкониятларини кучайтириди. Ўтган қисқа давр ичida облигацияларни жойлаштириш борасида ушбу бозор ҳажми ўн мартадан кўпроқ ўсади. 1997-1998 йилларда бюджет тақчиллигининг мебоёрий чегарага туширилганлиги, пулли молиялаштириш ҳажмини мос равишда ЯИМга нисбатан 1,3 ва 1,6 фоиз миқдорида бўлишини таъминлади. Натижада, баҳоларнинг ўсиши жиловланди, сўм қадрининг барқарорлигини таъминлашга замин ҳозирланди.

<sup>1</sup> С.Фидлер. Макроэкономика. -М.: "Инфра-М". 1997. - с. 580.

<sup>2</sup> Молия вазирлиги, ХВФ. Танлансан саволлар ва статистик иловалар, Вашингтон. Июнь 10, 1996й.

**Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети тақчиллигини  
молиявий манбалар билан таъминланиши**



3-чизмадан кўриниб турибдики, 1999 йилга келиб, бюджет тақчиллигини қоплаш учун Марказий банк кредитлари ЯИМга нисбатан 1 фоизни ташкил этган бўлса, ДКМОлар ҳисобидан тақчилликни молиялаштириш ҳажми ЯИМга нисбатан 0,6 фоизни ташкил этди. 2000 йилда бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 0,3 фоизи микдоридаги ҳажми ноифляцион манбалар ва 1,0 фоизи микдорида Марказий банк кредити ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса, тақчиллик ҳажми 2-чизмада акс эттирилганидек, ЯИМга нисбатан 1,1 фоизни ташкил этди. 2001 молия йилида пулли молиялаштириш ҳажми ЯИМга нисбатан 0,5 фоизини ташкил этган.

Республикамиз бюджет тақчиллигини молиялаштиришда Марказий банк кредити салмоғининг юқори даражаси сакланиб қолаётганинг кузатиш мумкин. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат республикада инфляцион жараёнларни ва инфляцион кутилишни кучайтириб, ноифляцион манбалар ҳисобидан тақчилликни қоплаш имкониятларини чегаралаган. Масалан, инфляциянинг ҳақиқий суръатлари ДКМОлар бўйича таклиф этилаётган фоизлардан юқори даражада бўлганлиги, уларнинг жойлаштирмаслигига сабаб бўлган. Тақчилликни молиялаштириш жараёнларини кузатар эканмиз, мазкур йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида ҳам сусткашликка йўл қўйилганинг ҳам эътироф этиш лозим бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тузилди. 2000 йил учун маълумотлар 9 ойлик якунларига кўра йил бўйича кутилиш олинган бўлса, 2001 йил учун режа кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот натижасида, келгусида Давлат бюджетининг харажатлари ва даромадларига бевосита тъсир кўрсатадиган, тақчиллик ҳажмини шакллантирадиган омиллар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, бюджет харажатлари жиҳатдан:

- энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги самарасиз Давлат корхоналарига бюджетдан дотацияларни бескор қилинishi, маблағлардан инфратузилмани замонавий жиҳатдан қайта қуришга инвестициялари ва ижтимоий хизматларга йўналтиришида фойдаланиши имкониятларини беради;
- хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш бир вақтнинг ўзида икки муаммони ҳал қилади. Биринчидан, Давлат бюджетидан дотация оладиган самарасиз корхоналар салмоғини қисқартиrsa, иккинчидан, давлат мулкини сотишдан тушган даромадларининг кўпайиши бюджет тақчиллигини молиялаштириш имкониятларини оширади;
- ҳарбий харажатларни қисқартириш ҳам кўпчилик мамлакатларда ресурсларни ижтимоий соҳаларга йўналтиришдаги потенциал манба саналади. 1991 йилгача Ўзбекистон бюджетида ҳарбий харажатлар мавжуд бўлмаган. Ўзбекистонда бу харажатлар, 1992 йилда ЯИМга нисбатан 2,5 фоиздан 1993 йилга 3,3 фоизга ўсган<sup>1</sup>. Аммо, 1993 йилдан кейин бу харажатларнинг бюджетдаги “бошқа харажатлар” моддасига киритилиши билан, ҳарбий харажатларни аниқ таҳлил қилиш имконияти йўқ. Ҳарбий харажатлар, ривожланадиган мамлакатларда ҳалқаро меъёрлар бўйича ЯИМнинг 5 фоизини ташкил этишини назарда тутсада ( rivожланган мамлакатларда 2,5 фоиз миқдорида), бу ҳарбий харажатларнинг, расмий кўрсаткичлар бўйича, барча Марказий Осиё давлатларида пастлиги, маблағларни қисқартиришининг бу харажатлар бўйича имкониятлари пастлигини билдиради<sup>2</sup>;
- соғлиқни сақлашга сарфланаётган баъзи турдаги харажатларнинг нафақат ривожланадиган мамлакатлардаги, ҳатто ривожланган мамлакатлар даражасидан ҳам юқори эксанлигига эътиборни қаратиш зарур. Бу асосан, касалларни стационар даволашга қабул қилишнинг, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган касаллар тушаги ва врачлар сонининг мамлакатимизда анча юқорилиги натижасида юз бермоқда<sup>3</sup>;
- Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасида, ўкувчи-ўқитувчи нисбатининг ривожланган мамлакатлар даражасидан анча пастлиги намоён бўлмоқда. Аҳолининг демографик ахволи бу масалани келгусида ҳам жиддий тус олиши мумкинлигига эътиборни жалб қилади. Келгусида бюджетдан таълим

<sup>1</sup> Центральная Азия. Перспективы человеческого развития. 2010. UNDP., 1999. - с.67

<sup>2</sup> Юқоридаги манба.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг иккисодий йўналтилари. Июл-сентябр. 2000. Тасис. 29-бет.

соҳасига ажратиладиган харажатларнинг ортишини ҳисобга олиш зарур;

- собиқ Иттилоқ даврида Ўзбекистон ахолисининг камбағаллик даражасини энг юқори бўлғанилиги, аммо республика мустақилликса эришгандан кейин ахвол бошқа қўшни республикалардагидан анча яхшиланган бўлсада, бу кўрсаткичнинг ҳамон 35 фоизни ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳани молиялаштириш харажатлари салмоғини камайтириш имкониятлари йўқлигини кўрсатади<sup>1</sup>;

- Давлат бюджетидан қилинадиган инвестицион ҳаражатлар таркибини қайта қўриб чиқиш, улар салмоғини қисқартириш, бу ҳаражатларни босқичма-босқич хусусий соҳа орқали амалга ошириш, бюджет ҳаражатларини қисқартириш имкониятларини беради. Шунингдек, ижтимоий ҳаражатларни аниқ манзиллилик даражасини ошириш зарур, бунда кейинги йилларда қўлланилаётган “Маҳалла” тизимини янада кенгайтириш ва фаоллигини ошириш талаб этилади.

Давлат бюджетининг истиқболдаги даромадларини оширишининг қўйидаги имкониятлари мавжуд:

- даромадларни оширишининг энг асосий кўрсаткичи сифатида хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар эканлигига эътибор бериш керак. Йирик корхоналарни хусусийлаштириш, бунда чет эллик инвесторларга обьектлар сотишини самарали механизми ишлаб чиқилиши зарур. Ерларни узоқ мuddатга ижарага беришни йўлга қўйиш, хусусийлаштириш муносабатларини тартибга солиша ҳукуқий базани мустаҳкамлаш зарур;

- корхоналар даромади ва фойдасига солиқлар ставкаларининг пасайтирилиши даромадларнинг абсолют суммаларини ортишига олиб келади. Бу амалиётни аҳоли даромадларидан олинадиган солиқларга нисбатан ҳам қўллашни тезлаштириш зарур;

- ташқи иқтисодий муносабатларни солиққа тортишини механизмини такомиллаштириш бюджет тушумларини ортишини таъминлайди.

Давлат бюджети тақчиллигининг келгуси давр учун ҳажмларини белгилашда, шунингдек, аҳолининг демографик хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Кейинги йилларда демографик ривожланиш суръатининг пасайиши кузатилмоқда. Бирок, бу пасайишни меҳнатга яроқли аҳоли сонининг умумий аҳоли сонидаги салмоғини ўсиши ҳисобига олганда, ижобий ривожланиш сифатида баҳолаш мумкин. Меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсиши 1999 йилда 3,2 фоизни ташкил этиб, умумий аҳоли сонининг ўсишига нисбатан икки баробар тезроқ кечган. Ишсизлик бўйича бериладиган нафақаларнинг жамланма бюджет тақчиллигига таъсирини ҳисобга

<sup>1</sup> Центральная Азия. Перспективы человеческого развития. 2010. UNDP., 1999, - с.68.

олган ҳолда ишсизлик суръатларига эътибор берадиган бўлсак, 1998-1999 йилларда бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил қилганилигини кузатиш мумкин<sup>1</sup>. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амалдаги ишсизлик даражаси расмий маълумотлардан бироз юқори бўлиб, ишсизлик бўйича нафакалар миқдорининг анча пастлиги ишсизларнинг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи фонднинг бўлимларига мурожаат қиласлигига асосий сабаб бўлган. Бу ҳолатни келгуси бюджет истиқболларини белгилашда эътиборсиз колдириш, бизнинг фикримизча, ахоли ўртасида ижтимоий тангликин кучайтириши, ёки бюджетда олдиндан кўзда туғилмаган харажатлар моддаларини найдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Илмий исҳада, бюджет ишлоҳотларининг истиқболларида Давлат бюджети тақчиллигини ижтимоий-иктисодий ларзасиз қисқартириш йўлларини белгилашда энг муҳим бўлиб турган масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Юқорида кўриб ўтилган омиллар билан бирга, ўтган давр мобайнинда бюджет тақчиллигининг шаклланишига энг кўп таъсир кўрсатган омиллар – Пенсия фондининг тақчиллиги ҳамда Ўзбекистондаги мавжуд валюта тизими эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг хуроса қисмида тадқиқот натижалари бўйича шакллантирилган хуроса ва таклифлар ўз ифодасини топган, жумладан:

- банк тизимида, хусусийлаштириши соҳасида, инвестицияларни жалб қилиш, мақсадли фонdlар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлоҳотларни жадал давом эттиришнинг зарурлиги;
- соликка тортиш тизимини янада такомиллаштириш ва харажатларни самарадорлигини ошириш лозимлиги;
- бюджет харажатлари таркибини қайта кўриб чиқишининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда бюджет тақчиллигини Марказий банк кредити ёрдамида молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг зарурлиги;
- узоқ мuddатли облигацияларни эмиссиясига зарурат ва тақчилликин молиялаштиришда қарзларни бошқариб бўлмайдиган даражада ўсишидан сақланиши ҳамда уни маълум даражада ушлаб туришнинг зарурлиги;
- бюджет тақчиллигининг ҳажмини белгилашда, дунё тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ЯИМга нисбатан 2-5 фоиздан ортишига йўл қўймасликнинг зарурлиги ва бошқалар.

<sup>1</sup> Узбекистоннинг иктисодий йўналишлари. Июл-сентябр 2000. Тасис. 9-бет.

Диссертацион тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари қўйидаги ишларда эълон қилинган:

1. Бюджетная система: пути совершенствования. // Журнал налогоплательщика. Тошкент.: - №11, 2000й.-0,3 б.т.
2. Бюджет тақчиллиги хавфлими? // Солиқ тўловчиниг журнали. Тошкент.: - № 12, 2000й. – 0,3 б.т.
3. Управление госбюджетным дефицитом в условиях либерализации экономики.// Тезисы докладов. Четырнадцатые международные Плехановские чтения. Москва.: 28.04.2001.
4. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети харажатларини бошқариш масалалари.// «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ТМИ. Тошкент. 25.06.2001.
5. Налоговое регулирование внешнеэкономических связей. Сущность и развитие международных налоговых отношений.// Аспирант и соискатель. Журнал актуальной научной информации. Москва.: № 1, 2002г.-0,3п.л. Стр.70-75.
6. Иностранные инвестиции в Узбекистан – залог роста и процветания.// Актуальные проблемы современной науки. Научный журнал. Москва.: № 3, 2002г.-0,3п.л.



**Аннотация диссертационной работы У.А.Бурханова на тему «Факторы дефицита Государственного бюджета и вопросы его сокращения в условиях либерализации экономики».**

Стратегической задачей управления государственными финансами в условиях либерализации экономики, с учетом требований формирующейся в Республике Узбекистан новой модели бюджетной системы остаются вопросы оптимизации системы управления дефицитом Государственного бюджета.

Диссертация состоит из введения, трех глав, выводов и предложений, списка использованной литературы и приложений.

Во-введении обосновывается актуальность темы, степень изученности, цели и задачи, научная новизна, практическое и научное значение, методическая основа и методология исследования.

В первой главе рассмотрены экономическая сущность и структура Государственного бюджета, его место и задачи в системе государственных финансов, экономическое содержание дефицита Государственного бюджета, его виды и основные концепции дефицита Государственного бюджета.

Во-второй главе исследования анализированы место дефицита Государственного бюджета в системе макроэкономических показателей государственных финансов, были изучены основные факторы, влияющие на формирование дефицита Государственного бюджета, а также источники финансирования дефицита Государственного бюджета.

В третьей главе рассмотрены пути сокращения дефицита Государственного бюджета и вопросы совершенствования источников его финансирования.

В заключении сделаны необходимые выводы и предложения исходя из проведенного исследования, учет которых в бюджетной и финансовой политике государства, на наш взгляд, дадут свои положительные результаты.

Научную новизну исследования характеризуют следующие:

- обоснован авторский подход к сущности понятий «Государственный бюджет» и «дефицит Государственного бюджета», а также предложено специфическое уравнение определения уровня дефицита Государственного бюджета;

- раскрыта экономическое содержание квазифискальной формы дефицита Государственного бюджета;

- обобщен и проведен сравнительный анализ передового опыта зарубежных стран по оптимальному финансированию дефицита Государственного бюджета и обоснованы возможности их применения в бюджетной практике Республики Узбекистан;

- определены меры и возможности ограничения инфляционных источников в управлении дефицитом Государственного бюджета в Республике Узбекистан;

- обоснованы предложения по оптимальному сокращению дефицита Государственного бюджета.

**Annotation  
of the dissertation work of U. A. Burkhanov on “Factors of the State  
Budget Deficit and Tasks of Its Reduction During the Period of Economic  
Liberalization”**

The Strategic task of the management of the public finance during the period of economic liberalization, taking into account the requirements of the new model of the budget system being formed in the Republic of Uzbekistan, remains to be the issues of optimization of the management of the deficit of the State Budget.

The Dissertation is composed of Introduction, three Chapters, Conclusion and Proposal part, Bibliography and Annexes.

In the Introduction part the actuality of the topic, degree of investigation, goals and tasks, scientific novelty, practical and scientific importance, methodology of the research are given proof.

Role and economic significance and structure of the deficit of the State Budget, its place, forms and economic content, types and conception are examined in the first Chapter.

In the second Chapter the place of the deficit of the State Budget in the system of macroeconomic indicators of public finance, the main factors influencing formation of the deficit of the State Budget, and also the sources of the deficit of the State Budget are investigated.

The ways of the reduction of the deficit of the State Budget and the issues of improving the sources of its finance are considered in the third Chapter.

In the Conclusion Part on the basis of the fulfilled research the necessary conclusions and proposals are made, implementation of which, in our opinion, gives positive outcomes.

The followings characterize the scientific novelty of the research:

- The author's approach to the essence of the notion of "the State Budget" and "the deficit of the State Budget" is substantiated, and also the specific equalization of determination of deficit of the State Budget is proposed;
- The economic content of the quasi-fiscal forms of the deficit of the State Budget is disclosed;
- Experience of the foreign countries concerning optimal financing of the deficit of the State Budget is summarized and the comparative analysis is carried out, implementation of the said experience in fiscal practical work in the Republic of Uzbekistan is given proof;
- Measures and possibilities of limiting inflationary sources of managing the deficit of the State Budget of the Republic of Uzbekistan are determined;
- The proposals concerning the optimal reduction of the State Budget are given proof.

<b>Босиңга рұхсат этилди</b>	<b>27.05.02</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30/42, 1/4</b>
<b>Ҳисоб-нашр вараги</b>	<b>1.4</b>
<b>Адади</b>	<b>100</b>
<b>Буқортыма</b>	<b>№ 4</b>
<b>Баҳоси келипшилтін нархда</b>	
<b>Тошкент Молия институты босмахонасида "Riso" нұсха</b>	
<b>күпайтириш курилмасыда чоп этилди. 760084, Тошкент,</b>	
<b>Х. Асомов күчаси, 7 уй</b>	